

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ХУСУСИДА.

*Темиз давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси М.Б.Астанакулова*

Annotatsiya: ushbu maqolada oliy ta'lim tizimida baholash tizimini takomillashtirish xususiyatlari yoritilgan. Muallif ta'lim jarayonida innovatsion yondashuvlar va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish orqali ta'lim sifatini oshirish zarurligini ta'kidlaydi. Ta'kidlanishicha, O'zbekiston Respublikasida qabul qilingan "ta'lim to'g'risida"gi qonun va kadrlar tayyorlash milliy dasturi ta'lim mazmuni va sifatiga yangi tamoyillar kiritdi.

Kalit so'zlar: oliy ma'lumot, baholash tizimi, reyting usuli, ta'lim sifati, testologiya, o'z-o'zini o'qitish, innovatsion texnologiyalar.

ON THE CRITERIA FOR ASSESSING THE ACTIVITY OF A TEACHER IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

*Temiz State Pedagogical Institute
senior teacher М.Б.Астанакулова*

Abstract: This article highlights the features of improving the assessment system in the higher education system. The author emphasizes the need to improve the quality of education through innovative approaches and the effective use of modern information and communication technologies in the educational process. It is noted that the law "On Education" and the national training program adopted in the Republic of Uzbekistan have introduced new principles into the content and quality of education.

Keywords: higher education, assessment system, ranking method, quality of education, testology, independent learning, innovative technologies.

О КРИТЕРИЯХ ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ.

*Старший преподаватель
Темизского государственного
педагогического института
М.Б.Астанакулова*

Аннотация: В данной статье освещаются особенности совершенствования системы оценки в системе высшего образования. Автор

подчеркивает необходимость повышения качества образования за счет инновационных подходов и эффективного использования современных информационно-коммуникационных технологий в образовательном процессе. Отмечается, что принятые в Республике Узбекистан закон “Об образовании” и национальная программа подготовки кадров внесли новые принципы в содержание и качество образования.

Ключевые слова: высшее образование, система оценки, метод ранжирования, качество образования, тестология, самостоятельное обучение, инновационные технологии.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳияти ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини юқори даражада шаклланишини таъминлаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, оқилona бошқарув ва халқнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш масалаларини ўзида акс эттиради. Ушбу ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг иқтисодиётини модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва барча соҳаларда кенг қўлaмли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775- сонли қарорлари олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш вазифаларини кўзда тутди.

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги, хусусан таълим сифатини оширишда ўқитувчининг роли бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин шунга қарамай бу соҳадаги ишларни етарли деб бўлмайди, чунки қурилиш, ва бошқа ташкилий масалалар биринчи ўринга чиқиб, бевосита таълимнинг сифатини кўтаришга қаратилган ишларга эътибор етарлича берилмаяпти, ёки олдинги усулларни озроқ ўзгартириш билан чекланиб қолмоқдамиз. Ўқув жараёнини ташкил қилишдаги энг бош масала назария билан амалиётни уйғунлаштириш, талабани мустақил ишлашга ўргатиш, “Талаба-устоз” тандеми самарадорлиги ошириш, малакали педагогкадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, хорижий тажрибаларни маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириш каби ташкилий ишларни бажариш лозим бўлади. Албатта таълим сифати ва самарадорлиги ўқитувчи ва талаба (ўқувчи) ҳамкорлигига узвий боғлиқ. Агар талаба билим олишни истамаса (фақатгина диплом олиш унинг асосий мақсадига айланган бўлса) ёки унинг мактабда олган билим ва мустақил таълим олиш қобилияти, шунингдек, физиологик хусусиятлари, шу мутахассислик ва бинобарин унинг таркибига кирувчи фанларни ўзлаштиришга етмаса, педагогнинг тасдиқланган дастур асосида таълим бериши самарали натижа бермайди. Бу ҳолда нима қилиш керак деган масала ҳанузгача ечимини топгани йўқ. Олий таълим муассасаларида ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш ва баҳолаш педагогик фаолиятнинг моҳияти ва уни такомиллаштириш омилларини аниқлаш, шунингдек, педагогик жараёнларнинг комплекс ҳаракатини визуал тасаввур қилиш мумкин.

Маълумки, педагогик фаолият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган компонентлар, омиллар ва шарт-шароитлардан иборат. Жумладан, биринчидан:

- ўқитувчининг ўзига хос бўлган касбий ва шахсий фазилатлари;
- психологик хусусиятлари;
- касбий фаолияти объекти;
- мутахассислиги бўйича билим даражаси;
- касбий ва педагогик компетентлиги, креативлиги ва ҳ.к.;

иккинчидан:

- таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари, мотивлари;
- психологик хусусиятлари, муносабат характери;
- педагогик муносабатлардаги зиддиятлар;
- педагогик мулоқот усуллари;
- талабалар билимини баҳолаш усуллари ва ҳ.к.;

учинчидан:

таълим муассасасидаги бошқарув услублари, моддий-техник база каби шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш орқали педагогик фаолиятни комплекс баҳолаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ўқитувчининг таълим беришида педагогик маҳоратнинг қуйидаги индикаторлари муҳим:

- Касбий лаёқат ва эрудиция;
- Психологик-педагогик тайёргарлик;
- Таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
- Ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;
- Янги педагогик ва ахборот технологияларини эгалланганлик, интернетнинг глобал тармоғи биланишлар бўйича амалий кўникмалар;
- Педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари билиш;

- Илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
- Педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;
- Фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
- Риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;

Юқорида таъкидланган компонентлар, омиллар ва шарт-шароитлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабатидан олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг қуйидаги мезонларини шакллантиришни тавсия қиламиз:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган педагогик фаолиятнинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган компонентлари, омиллари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг фаолиятини баҳолашнинг объектив механизмлари олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. METHODOLOGY OF LEARNING THE SPEECH OF STUDENTS WITH SPECIAL NEEDS IN THE CONDITIONS OF INCLUSIVE EDUCATION MA Buriboyevna Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (12), 147-151
2. Conditions For Planning The Educational Process In A Preschool Institution With Compensatory Groups AM Buriboyevna
3. Recommendations for Improving the Quality of Preschool Education through an Assessment System AM Buriboyevna Vital Annex: International Journal of
4. ЭКОЛОГИК ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КОГНИТИВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: <https://doi.org/10.53885/edinres>. 2022.10. 10.026 Астанақулова Манзура Бўрибоевна ... МБ Астанақулова Образование и инновационные исследования международный научно-методический ...
5. IMPROVING THE METHODOLOGY OF TEACHING THE SUBJECT OF PRESCHOOL EDUCATION MANAGEMENT A Manzura Open Access Repository 4 (3), 561-567
6. TA'LIMDA BOSHQARUV FAOLIYATI VA MENEJMENTNING IJTIMOIIY OMILLARI M Astanakulova, J Shahina Journal of new century innovations 28 (5), 73-78

7. МАКТАВГАЧА ТА'ЛИМ MENEJMENTI FANINI O'QITISH
METODIKASINI TAKOMILLASHTIRIS A M. MUҒALLIM XƏM
ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ 2 (307-311), 307-311